

## ЛУҚМОН БЎРИХОН ҲИКОЯЛАРИДА УСЛУБ ВА ТАГМАЪНО ҚАТЛАМЛАРИ

Мохира Садуллаева

(Мустақил тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7152382>

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги ўзбек насрида ўзига хос услубга, ўз оҳангига эга бўлган ёзувчи Луқмон Бўрихон бадиий ижоди, ҳикоянавис сифатида ижодида янги давр кишисини бадиий кашф этишнинг ўзига хос тамойиллари, анъанавийлик билан новаторликни уйғунлаштириш, ижодий индивидуалликка интилиш каби қатор масалалар хусусида сўз юритилган. Адиб ижодида образларнинг айна вақтда тагмаънода ўзида давр белгиларини, замон дардларини, юксак инсоний ҳис-туйғуларни акс эттирган шахслар сифатида тасвирланиши бир қатор ҳикоялари мисолида таҳлилланади ва тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: бадиий ижод, ижодкор маҳорати, ҳикоянавис, бадиий маҳорат, услуб ва ўзига хослик, мазмун, шакл, ўткир сюжет, руҳият тасвири, портрет, пейзаж, услуб, жанр, наср, тагмаъно.

Аннотация: В данной статье художественное творчество писателя Лукмона Борихона, обладающего неповторимым стилем и интонацией в современной узбекской прозе, уникальные принципы художественного открытия человека новой эпохи в его творчестве сказителя, сочетающего традиции и новаторство, стремление к творческой индивидуальности. При этом на примере серии рассказов анализируется изображение персонажей в произведении писателя как личностей, которые буквально отражают приметы времени, боли времени, высокие человеческие эмоции и делаются соответствующие выводы. Данный.

Ключевые слова: художественное творчество, творческое мастерство, рассказчик, художественное мастерство, стиль и своеобразие, содержание, форма, острый сюжет, мысленный образ, портрет, пейзаж, стиль, жанр, проза, смысл.

Annotation: In this article, the artistic work of the writer Luqmon Borikhon, who has a unique style and tone in today's Uzbek prose, the unique principles of artistic discovery of a new era person in his work as a storyteller, combining tradition and innovation, striving for creative individuality, is discussed. At the same time, the depiction of characters in the work of the writer as persons who literally reflect the signs of the times, the pains of the time, and high human emotions is analyzed on the example of a series of stories and relevant conclusions are given.

Key words: Key words: artistic creation, creative skill, story writer, artistic skill, style and originality, content, form, sharp plot, mental image, portrait, landscape, style, genre, prose, meaning.

Ҳикоячилик бадиий адабиётнинг энг сермахсул, илғор ҳамда тезкор жанри саналади. Маълумки, ўзбек насри, хусусан, ҳикоячилиги кейинги йилларда шакл ва мазмун жиҳатдан бойиб, турфа мавзуларда инсон турмуш тарзини, унинг ички дунёсини, алоҳида олинган шахс ҳаётининг улкан бир олам эканлигини тасвирлашга интиломоқда. Зеро, “Адабиёт инсон туйғуларига, дардига, ҳаёт йўлига кириб бориши керак. Одам нима учун шундай турмуш кечиряпти? Инсон ҳаётининг мазмуни нима, у инсон сифатида қандай хусусиятларга эга, унинг ўзига хос томонлари қандай – асарда шулар тўлиқлигича акс эттирилиши шарт”[1:154]. Шу маънода, истиқлол арафаси ва мустақиллик даври ўзбек насрида инсон меҳнати, унинг хатти-ҳаракатлари тасвиридан кўра, чигал руҳий олами, дарду аламлари, орзу-интилишлари, ўй-кечинмалари тасвирига кенг урғу берилди. Шу тариқа ҳикоянависликда ҳам ўзига хос услуб кўринишлари, ўзгача ифода тарзи, бадиий-фалсафий тадқиқ тамойиллари янгиланиб, инсон психологияси ва шу асосда миллат руҳиятидаги эврилишларини акс эттириш борасида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, Эркин Аъзам, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Абдуқаюм Йўлдош, Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Исажон Султон, Шойим Бўтаев, Улуғбек Ҳамдам, Луқмон Бўрихон каби қатор ёзувчиларнинг ҳикояларида жамият, миллат ҳаётида юз берган ўзгаришлар, янгиланишлар, давр кишиси руҳиятининг турли жиҳатлари олдингиларга ўхшамаган йўсинда янгича бадиий ифодаланмоқда. Адиблар асарларида Инсонни кашф этиш, унинг мураккаб оламини ўрганиш, умумлашма ва хулосалар чиқаришга уринишлар кучайди. Зеро, адабиётшунос А.Расулов: “Инсон – мўъжиза. Уни ўрганишган, тадқиқ этишмоқда, мудом талқин этишади. Фаннинг қандай соҳаси бўлмасин, алал-оқибат, инсон муаммосига келиб тақалаверади. Одам – оламнинг маркази. Одамни билмоқ – оламни англамоқ”[2:131], – деб ёзган эди.

Ҳақиқий бадиий асар ўқувчи ёхуд томошабиннинг ҳисларига таъсир этиши билан ёзма сўзнинг ҳамма бошқа турларидан ажралиб туради. “Ҳисларга таъсир этувчи ҳақиқий бадиий асар” ижодкор дунёқараши, фавқулодда салоҳияти, теран фикр ва туйғулар ҳосиласи бўлиш билан бирга, воқеликни ўзига хос англаш ва бадиий кашф этиш тарзи - услуби билан ҳам узвий боғлиқдир. Зеро, услуб тарихий тушунча бўлиб, алоҳида ижодкорга, йўналиш эса муайян ижодкорлар гуруҳига мансуб асосий

ифода йўлидир. Ҳар бир асар маълум бир услуб ва йўналишда яратилар экан, у бадиий тафаккурнинг ўтган ёхуд замонавий даври хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади. Бу эса услубий йўналишларда анъана ва янгича қарашларни вужудга келтиради ва бадиий ижоддаги давомийликни ифодалайди.

Бугунги ўзбек насрида ўзига хос услубга, ўз оҳангига эга бўлган ёзувчи Луқмон Бўрихон бадиий ижод майдонига ҳикоянавис сифатида кириб келди. Унинг ижодида янги давр кишисини бадиий кашф этишнинг ўзига хос тамойиллари, анъанавийлик билан новаторликни уйғунлаштириш, ижодий индивидуалликка интилиш ёрқин кўрина бошлади. Адибнинг дастлабки ҳикоялар тўплами “Ялангоёқ” (1991) деб номланган бўлиб, кўпроқ ёшлар, талабалар ва уларнинг турфа саргузаштлари, атрофимиздаги оддий одамларнинг турмуш тарзи, орзу-ўйлари, интилишлари, ҳаёт сўқмоқларида дуч келган синовларидан ҳикоя қилади. Шундан сўнг ёзувчининг кетма-кет “Жазирамадаги одамлар” (2005), “Сирли муаллим” (2006), “Хизр кўрган йигит” (2007), “Тун қаъридаги шуъла” (2012), “Титраётган тоғ” (2018), “Қуёш ҳали ботмаган” (2018), “Марҳаматли кун” (2019) каби яна қатор асарлари нашр қилинди. Луқмон Бўрихон бугунги кунда насрнинг қисса ва роман жанрларида ҳам самарали ижод қилаётган бўлса-да, ҳикоячилик адиб ижодининг устувор йўналиши саналади.

Луқмон Бўрихон “Бегимқул катта”, “Ялангоёқ”, “Донишманд”, “Қайдасан, муҳаббат”, “Кечиккан кўз ёшлар”, “Дард”, “Ўғил”, “Тумор”, “Кутилмаган ташвиш”, “Кутилган кун”, “Мактуб”, “Темир сандиқ”, “Синов муддати”, “Қўноқ”, “Чўлдан келган ташвиш” каби қатор ҳикоялари орқали аллақачон китобхонларнинг севимли ижодкорига айланиб улгурди. Бадиий сўз орқали Инсонни улуғлаш, маънавиятини юксалтириш, нарса ва ҳодисаларни гўзаллик ва эзгулик нуқтаи назардан англаш ва бадиий кашф этишда ёзувчи ўзига хос индивидуал услубга эга. Адиб ҳикояларини тадқиқ қилган Й.Маҳмудов Луқмон Бўрихон ҳикоялари тадқиқига бағишданган “Ҳикоя бадиияти” номли рисоласида унинг ўзига хос услуби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. “Муаллифнинг ҳикоячиликдаги ўзига хос услубига эътибор берадиган бўлсак, унда шарқ ва ғарб анъаналарининг қоришиқ ҳолда келиши, муаллиф уларни синтез қилиши билан бирга янгича ўзига хос ҳикоянавислик мактабини яратганига гувоҳ бўламиз. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Луқмон Бўрихон нафақат ҳикояларида, балки қисса ва романларида ҳам мана шу мактабнинг йўл-йўриқларига амал қилади. Шарқона услубнинг намоён бўлишини ҳикоялардаги шаклан

Ўзбек фольклорига хос такрорларнинг қўлланиши, воқеликнинг ритмик бир зайлда кўтарилиши, қаҳрамонларга хос ҳолат ва асар вазиятига мослаб тузилган гап қурилишларининг мавжудлиги кабилар таъминлаган. Адиб шаклий изланишлар давомида ўз услубининг пойдевори қилиб ўзбек фольклори, Қодирий, Тоғай Мурод сингари ёзувчилар ижодхонасига суянади, дейишимиз мумкин»[4:15]. Дарҳақиқат, бой халқ оғзаки ижоди, миллий насримиз анъаналари, етук адиблар ижодидан адабий таъсирланиш ҳамда жаҳон адабиёти тажрибаларидан унумли фойдаланиш адиб ижодининг баланд парвозига имкон яратади. Шу билан бирга Луқмон Бўрихон услубида ўзига хос сюжет линияларидан фойдаланиш, кутилмаган ва сирли вазиятлар яратиш, энг муҳими, танланган ғояни теран бера олиш иқтидори бўй кўрсатиб туради. Яна бир жиҳат шундаки, ёзувчининг бир асарида учраган қаҳрамон иккинчи бир асарида ҳам, айти шу ном, шу характер-қийфада намоён бўлади, ёки бир асарида тасвирланган воқеа бошқа бир ҳикоясида давом этади.

Ёзувчи ижодининг дастлабки йилларида, яъни ўтган асрнинг 80-90-йилларида ёзилган “Куз эртаги”, “Бегимқул катта”, “Ялангоёқ”, “Дард”, “Ўғил”, “Донишманд”, “Қайдасан, муҳаббат”, “Кечиккан кўз ёшлар”, “Темир сандиқ”, “Мактуб” каби бир қатор ҳикоялари унинг услубидаги ўзига хосликни белгилашда муҳим ўрин тутди. Луқмон Бўрихон ҳикоялари қаҳрамонлари турфа воқеалар фонида, мантиқий изчиллик асосидаги бетакрор ва хилма-хил, оддий ҳаётий воқеалар тасвири орқали намоён бўлса-да, айти вақтда тағмаънода ўзида давр белгиларини, замон дардларини, юксак инсоний ҳис-туйғуларни акс эттирган шахслар сифатида тасвирланади. Зеро, “Бадий асарда инсон вужудига сиғмаётган руҳий пўртаналар, тошқинликни, кўнглида туғилган эзгу ниятларни баён этиш учун имконият кўпроқ бўлади”[5:5]. Луқмон Бўрихон мавзу танлашда жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги, инсонлар орасидаги энг долзарб муаммоларни қаламга олади. Ёзувчининг қатор ҳикояларида жамиятни орқага тортадиган энг ёмон иллатлардан бири – лоқайдлик, бепарволик қораланади. Луқмон Бўрихон услубидаги поэтик занжир - бадий-мантиқий изчиллик омиллари унинг ҳикояларини бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Адибнинг “Ўғил” (1985), “Синов муддати” (1991) ҳикояларида бир-бирига жуда яқин бўлган ҳолат тасвир этилса-да, инсон лоқайдлиги, бепарволиги қандай оқибатга олиб келиши алоҳида образлар - Панжиев (“Ўғил”), Жасур (“Синов муддати”) характери орқали чуқур очиб берилади. Ҳикояларнинг тағ маъносида юксак инсоний туйғулар, ҳаётда юз берган воқеаларни тасвирлашдан кўра инсонлараро муносабатларни

акс эттиришга кўпроқ аҳамият қаратилади. Зеро, “бадий асарнинг матн юзида кўриниб турган ҳолат, мақсадлари билан бир қаторда ундан ташқари, шу матн замирида очиқ намоён бўлиб турмаган, лекин ёзувчининг бадий ниятларини акс эттиришда муҳим роль ўйновчи хусусиятлар ҳам шубҳасиз бўладики, ана шу жиҳатларни, муаллифнинг асл мақсадларидан кўп ҳам узоқлаштирмаган равишда аниқлаш ва илмий далилланган суратда ёритиш, бир жиҳатдан, ёзувчи маҳоратини кўрсатиш, иккинчи бир жиҳатдан, асарнинг асл қимматини англаш ва ҳис этишда алоҳида ўрин тутди”[6:314]. Айни шу жиҳатдан Луқмон Бўрихоннинг ҳикоялари ҳам характерлидир.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Шарафиддинов.О. Оламнинг қалби. –Тошкент.: “Маънавият”. 2014. Б.154.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Тошкент.: “Шарқ”. 2007. Б. 22.
3. Султон И. Адабиёт назарияси.-Тошкент.: “Ўқитувчи”. 2005. Б. 131.
4. Маҳмудов Ў. Ҳикоя бадиияти (Луқмон Бўрихон ҳикоялари мисолида). – Тошкент.: “Turon zamin ziyo”. 2017. Б. 15
5. Каримов Б. Руҳият алифбоси. –Тошкент.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. Б.5.
6. Назаров Б. Ижоднинг жон томири. –Тошкент.: “Tafakkur tomchilari”. 2022. Б. 314.